



ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИНИНГ ЎРНИ

Эватов Салимжон

PhD, Фарғона давлат университети

Аннотация: *Ислом таълимоти ва фалсафасининг муҳим тармоғи бўлган тасаввуф тариқатлари ғояларининг илк ўрта асрлардан бошлаб Мовароуннаҳр минтақаси маънавий-маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиши лозим. IX асрда ислом оламида бир қанча сўфийлик мактаблари пайдо бўлиб, Бағдод ва Хуросон мактаблари Мовароуннаҳр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, X-XII асрларга келиб, ислом оламида машҳур мутасаввифлар раҳнамолигида турли тариқатлар пайдо бўла бошлаган.*

IX-XII асрларда Марказий Осиёда тасаввуф билан бир қаторда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига таъсир кўрсатган шариат, калом, муътазиллийлик ва ал-фалсафа оқимлари ҳам мавжуд эди. Бу оқимлар илоҳиёт масалаларини ўз тарозисида ўлчар, гоҳида бири иккинчисини озиқлантирар, ёки ғоявий нуқтаи назардан бири иккинчисини тўлдиршига ҳаракат қилар эди.

Калит сўзлар: *дин, тасаввуф, фалсафий оқимлар, адолат, диний маданият.*

Тарихдан маълумки, IX-XII асрларда Марказий Осиёда турли тасаввуфий-фалсафий ғоялар ва фалсафий оқимлар мавжуд бўлган. Тасаввуф тариқатлари ғояларига чуқурроқ кириб таҳлил қилинганда тасаввуфнинг бошқа дин ва турли ноқис фалсафий оқимлар таъсиридан холи, соғлом ва илғор фикрларга тўла таянган даври - илк сўфийлар даври эканлиги равшанлашади.

Тасаввуфнинг марказий мавзуси энг аввало, унинг шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборат маънавий юксалиш йўллари бир-бирига диалектик тарзда боғлаб ўрганишдир. Мутасаввифлар бу тўртликни бир-биридан ажратмай, аксинча, уларнинг алоқадорлиги, ҳамоҳанглигини сақлаб қолишга уринишган. Тасаввуф фалсафасида инсоннинг ўз “Мен”идан озод бўлиши, ботиний тарбия ва ҳиссиётлари орқали Оллоҳ билан яқинлашишига эътибор қаратилган. Унда пир ва шогирдлик, муршид ва мурид муносабатлари ҳамда камолотга эришишнинг тўрт босқичи: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат мавжуд, деб қаралган. Тасаввуфни туркий тилда шарҳлаган Аҳмад Яссавий ҳам тариқат ва шариатнинг ўзаро вобасталигини содда ва тушунарли тилда баён қилган. Бу ҳақда мутасаввиф қуйидаги мазмунда фикр билдирган: “Ҳар ким қилса тариқатни даъвосини, аввал қадам шариатга қўймоқ керак. Шариатнинг ишларини адо қилиб, Андин сўнгра бу даъвони қилмоқ керак”. Аҳмад Яссавийнинг таъкидига кўра, шариатни ўрганмасдан туриб тариқатга қадам қўйиш мумкин эмас, шариатсиз тариқат ва тариқатсиз ҳақиқат йўқ. Марказий Осиё тасаввуф тариқатлари яссавийлик, хожагон,



кубравийлик тариқатларининг барчасида тариқат босқичига ўтишдан олдин шариатни ўзлаштириш талаби қўйилган.

Ислом таълимотида кўтарилган масалалар ҳеч бир мутасаввифлар ёки тасаввуф тариқатларининг эътиборидан четда қолмаган. Тўғри, айрим тариқатларда ақида масалалари (хулулийлик, халложийлик), ислом таълимотидаги муаммоларни ҳал қилишда нотўғри талқин қилишлар, адашишлар, асл моҳиятни тушунмаслик ва шунга ўхшаш ҳолатлар учраган. Тасаввуф фалсафаси ғоялари билан исломнинг ақидавий таълимоти, шариат кўрсатмаларидан анча-мунча четлашадиган юксак орифий ва айни пайтда ҳурфикр тафаккурни вужудга келтирган. Лекин бу тасаввуфнинг исломдан бутунлай четлашган деган фикрни юзага келтирмайди. Тасаввуф тариқатлари ислом таълимотидаги масалалар юзасидан хилма-хил ғоя ва қарашларни ўртага ташлаган бўлсаларда, лекин уларда бир мақсад сари интилиш устивор бўлган ҳамда ҳар бир масалага ёндашувда улар ислом қобиғидан чиқмасликка ҳаракат қилишган.

Фалсафий қарашларда бўлгани сингари ислом динида, хусусан Куръон ва ҳадисларда инсон камолотига оид маънавий, маърифий, ахлоқий, тарбиявий, ижтимоий ғоялар ўз аксини топган. Ўз ўрнида тасаввуф таълимотида ҳам инсон, борлик, билиш муаммоси, ахлоқий категориялар каби инсон ҳаёти билан боғлиқ кўпгина нарсаларга муносабат билдирилган.

Бизнинг фикримизча, инсонни методологик нуқтаи назардан ўрганишда ислом дини ва унинг муҳим йўналиши ҳисобланган тасаввуф таълимоти етакчи ўринни эгаллайди. Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий ғояларда асосий ўринни инсон ва уни ўрганиш билан боғлиқ муаммолар эгаллайди. Аҳмад Яссавий ижодига эътибор берар эканмиз, унда фалсафанинг умумназарий муаммоларига бағишланган қатор йўналишларни кўришимиз мумкин. Жумладан, мутасаввифнинг олам ва одам, антропологик, онтологик, аксиологик, эстетик, пракиологик, ахлоқий, ижтимоий қарашлари диққатга сазовордир. Аҳмад Яссавий томонидан асосланган яссавийлик тариқати ғояларида ҳам бутун тирик мавжудот тўртта кичик унсурлардан: сув, ҳаво, олов ва тупроқдан ташкил топган. Инсондаги барча ижобий фазилатлар ва салбий қилиқлар, одатлар ҳам ўша тўртта унсур билан боғлиқ бўлади. Олов ва ҳавода дўзахий хусусиятлар мавжуд бўлса, сув ва тупроқда жаннатий фазилатлар мужассам бўлади.

Тасаввуф фалсафасида ижтимоий-ахлоқий масалалар ҳам ўз аксини топган. Унда инсоннинг маънавий камолоти масаласи тасаввуф фалсафасининг асосий жиҳатларидан бири бўлган. Бунда шахс ва жамият муносабатлари яққол кўзга ташланади.

Нафсни тийиш, тартибга солиш орқали шахс ва жамиятга оид масалалар ечими ҳал бўлади. Жамиятдаги турли ахлоқсизликлар, коррупция, турли девиант ҳолатларнинг бошида нафс туради. Тасаввуф фалсафасида ҳаттоки одамларни туркумларга бўлишда ҳам нафс асосий мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади. Тасаввуф одамларни уч тоифа биринчиси мартабаи нафс - бу тоифадаги кишилар Оллоҳ ва унинг каломига ишонадилар, аммо кўпроқ ҳиссиётга берилган бўладилар. Уларнинг жойи дўзахдир, ундан қутилиш йўли нафсни тийишдир. Иккинчи



тоифадагилар мартабаи қалб дейилиб, қалб амри билан иш тутадиганлар, Оллоҳ ва унинг Каломини, Расули Акрамни ҳиссиётдан устун қўядиганлар ва охирги учинчи тоифа мартабаи руҳ дейилиб, унга руҳ кишилари кирадилар. Яъни улар ҳар тамонлама покликка эришган шайхлар ва авлиёлар мазкур тоифага киради.

Тасаввуф таълимотида инсон борлиғининг муҳим томони бўлган нафс ва уни тарбиялаш, меъёрга солишга махсус тарзда эътибор берилган.

Тасаввуф фалсафасининг асл мақсади инсонни комиллик поғоналарига етаклашдир. Шу мақсадда тасаввуф инсон тарбиясини нафс тарбиясидан бошлайди ва уни атрофлича чуқур тадқиқ этади. Инсон камолоти учун энг катта душман нафс эканлигини тушунтиради. Абулаббос Аҳмад ибн Адамий нафснинг хоҳиш-истакка боғлиқлигини қайд этиб, нафснинг инсон камолоти учун тўсиқ эканлигини қайд этган ва “Таънинг ҳар хил одатларига ошно қолиш таъб эгасини ҳақиқат даражаларига эришишидан тўсиб қўяди”, яъни ҳар ким таъбадаги турли одатлар билан ором олса, ҳақиқатдан узилади.

Боязид Бистомий нафс масаласида шундай дейди: “Нафс шундай бир сифатдирки, у фақатгина ботил ишлар билан таскин топади”.

“Нафс инсоннинг моддий ўзлиги, “Мен” лигидир. Бизнинг ботинимизда бир идора этувчи, жисмимизни, моддий борлиғимизни, ҳаёт учун зарурий манфаатларимизни қўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи маънавий бир борлиқ нафсдир” [1]. Жунайд Бағдодий нафс ҳақида фикр билдирганда “Куфрнинг асоси нафсинг муродига юришингдир”. Негаки, Ҳаққа таслим бўлишда нафсга яқин бўлиш йўқдир. Агар ундан юз бурмаса, у мункир бўлади, мункир эса бегонадир [2] дейди. Бу иқтибос нафс инсонни Ҳақдан, яъни ўз аслиятидан бегона қилиб қўйишига ишорадир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, барча сўфийлар ва мутасаввифлар нафс ёмон иллат эканлигига муттафиқ бўлганлар ва унга қарши курашишни мақсад қилганлар. Бу муаммо Марказий Осиёлик мутасаввифлар ва тариқатлар назаридан четда қолмаган. Марказий Осиёда яшаб ижод этган мутасаввиф Абу Бакр Калободий илмлар борасидаги қарашларида инсон нафс офатлари илми, унинг моҳияти, маърифатини, тамринини, (яъни, машаққатини) унинг хулқлари маданиятини тушунадиган, душманнинг ҳийлаларини биладиган, дунё фитнасидан бохабар бўлмоғини ва фисқу-фасоддан озод бўлиш йўлини биладиган бўлиши кераклигини айтади [3]. Бу илм илми ҳикмат, яъни нафс вожиб (қилиниши лозим бўлган) амалларга (бажаришда барқарор) қоим бўлса, унинг табиати солиҳ бўлади.

Қизиқ ҳолат шундаки, инсоннинг асосий душманларини Яссавий ташқаридан яъни жамиятдан эмас, унинг ботинидан қидиради ва буларни нафс, кибр, риё, ёлғон деб кўрсатади. Мутасаввифнинг фикрича, нафс буюк душман ва балодир, нафс инсонни очкўз, худбин, шафқатсиз, эгри йўлга бошловчи ва хирсга берилишига олиб келади. Нафснинг битмас-туганмас истаклари инсонни Ҳақдан узоқлаштиради ва шайтонга шерик қилиб қўяди.

Хожагон тариқати вакиллари ва издошлари ҳам бандаликни энг олий даража деб ҳисоблаб, нафс ва унинг тарбиясига махсус эътибор беришган ва нафсни фано



даражасигача олиб келиш йўллари кўрсатишган. Бу тариқатда банданинг ихтиёри тўла равишда илоҳий ихтиёр билан уйғун бўлиши ва Ҳақ ризолигига эришиш асосий мақсад ҳисобланган. Инсон борлиғи ва ботинидаги нафс Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг таъкидлашича инсон учун биринчи тўсиқдир. Шунинг учун “Нафсингизни эҳтиёт қилинг. Нафс ботин ишдир. Киши доимо Оллоҳ билан бўлсин ва хотирида ўзга нарсага йўл қўймасин”

Абдуҳолиқ Ғиждувонийдан “Маърифатнинг камоли нимада?” деб сўраганларида, у киши қуйидагича жавоб берган: “Маърифатнинг чегараси нафсни бошқариш ва бунинг тадбири ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдур” [4].

Абдуҳолиқ Ғиждувоний тасаввуф таълимоти ва фалсафасининг ҳар бир рукнига устозларидан олган билими, тажрибаси ва амалий фаолиятдан келиб чиқиб ёндашган. Жумладан, нафси аммора ҳақида гапирганда, Муҳаммад(...) нинг: «Биз кичик жиҳоддан қайтдик, энди катта жиҳодга - нафс билан курашишга тайёрланайлик», деган ҳадисини далил қилиб, нафсга қарши курол сифатида очлик қиличи, сукут (хомушлик) пичоғи ва танҳолик найзасини кўрсатади.

Кубравийлик тариқатида нафсга инсоннинг қалбий касалликларига сабаб бўлувчи, инсонни турли машғулотлар билан чалғитадиган иллат деб қаралган. Нафсни кучайтирувчи ёмон ахлоқдан ва ҳайвоний орзуларни йўқотиш учун лафзи жалолни, яъни Оллоҳ лафзини зикр қилишга, “зикри муфрид” дейилган. Мутасаввиф нафс инсонни дунёга боғлайдиган бир занжир, деб ҳисоблайди ва инсоннинг асосий вазифаси нафсни маҳв этиб, ўз иродасини чиниқтириб, илоҳийлик касб этишдан иборат деб ҳисоблаган. Нафсининг тубанлигини билиш - инсоннинг ўз-ўзини, демакки, илоҳийликни англашдир деб тушунтиради:

Пинҳон эмас асло - ичда бир дев бордир,

Бошини кўтармоғи унинг душвордир.

Иймонини минг мартаба таҳлил қилдим:

Ул асли азал муслим эмас, куффордир.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуф фалсафасидаги энг катта хизматларидан бири “Офоқ ва анфус” назариясига асос солганлигидир. Инсон руҳияти ва ботиний оламини чуқур тадқиқ этган мутасаввифнинг мазкур назариясига кўра, инсоний олам билан илоҳий олам ўзаро диалектик алоқадорлик касб этади. Мутасаввиф инсонга олами суғро, оламга эса олами кубро, дея таъриф бериб, инсонда илоҳийлик сифатлари, яъни олами кубронинг барча хусусиятлари мавжуд дейди.

Тасаввуфда акс эттирилган ғоялар бир қарашда хилма-хил, баъзан бир-бирига зид, аммо қизиқарли, турли таълимотлардан ва силсилалардан, қарашлардан вужудга келган ва уларни бирлаштирган фалсафий оқимдир. Бизга маълумки, инсоният тарихидаги турли хилдаги таълимотлар, қарашларнинг вужудга келиши замон ва макон муаммолари билан боғлиқ. Тасаввуф ҳам худди ана шу тарзда замон ва макон муаммоларини ҳал қилиш мақсадида юзага келган таълимот ва фалсафадир. Жамият онгини ўзгартириш ва ижтимоий ҳаётга янгилик олиб кириш, инсон маънавиятини юксалтириш, хулқ-атвор, ахлоқ масалаларини тадқиқ қилиш, нафс, қалб,



инсонпарварлик, иродалилиқ, баркамоллик, эзгулик, илм олиш ва бошқа шулар каби масалалар тасаввуф фалсафасининг асосий ақидаларига айланди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тасаввуфда бир нечта тариқатлар ва силсилалар бирма-бир алмашилиб ёки бири иккинчисига қўшилиб, янги бир тариқат вужудга келган бўлса-да, инсоннинг маънавий, ахлоқий, тарбиявий камолоти масаласи бирор-бир тариқат аҳли эътиборидан четда қолмаган.

Мутасаввифлар бутун жамият ҳаётига таъсир қиладиган ва у билан боғлиқ бўлган, инсон бевосита ҳис қиладиган бир қатор реал ва абстракт феноменларга эътибор қаратганлар. Шулардан бири ахлоқий тарбиядир. Бир қарашда тасаввуф таълимотида илгари сурилган муаммолар, фикрлар ўзаро қоришиб кетгандек умумий бир ҳолат сифатида кўзга ташланади.

Тасаввуф инсон шахсининг илм-маърифат асосида юксалиши ҳақидаги таълимотга таянади. Тасаввуф фалсафасига биноан, инсоннинг асосий мақсадини муҳаббат, поклик ташкил қилади. Оламга, борлиққа нисбатан бўлган муҳаббат Худо ишқи сифатида талқин қилинади. Бундай муҳаббат эса инсондан доимий тарзда юқори даражадаги қалб поклиги ва нафс эҳтиёжларидан озод бўлишни талаб қилади.

Мутасаввифнинг “Тариқат одоби”да тариқатга кирган ҳар бир мурид, солиқнинг қалбини поклаш, нафсини тарбиялаш, зикр вазифалари, ўзининг шайхи билан муносабати ва қўплаб тариқат ахлоқига оид мавзулар атрофлича ва асосли қилиб баён этилган.

Нажмиддин Кубронинг ахлоқий қарашларида дунёдан узилишни хоҳлаган, ундан соғлом ўтишни истаган киши ўз нафси билан бирга қуйидагиларни бажариши кераклиги, улар инсонийликнинг асоси, хизмат ва тоат маркази ҳисобланишини таъкидлаган: “Ҳалол (луқма) емоқ, маҳол (имконсиз иш)ни тарк этмоқ, эътиқод бутунлиги, саъй-ҳаракатда содиқлик, ўлимга тайёр бўлиш, қўлдан чиққани жабийра қилиш, қабрга кирмай туриб, ўз қилмишларини кўздан кечириш, инсон ва инсон бўлмаганларга (ғайри инсонларга) тил тегизмаслик, бошқалар айбидан кўз юмиб, ўз айбларини кузатиш, оға-иниларига ўғит беришдан олдин ўзига насиҳат қилиш. Ахлоқни покизалаб, юриш-туришни ўзгартириб, одамлар билан мурсою мадора қилиш, тириклар ва ўликлар ҳақида ёмон сўзлашдан тилини сақлаш, ёлғон айтишдан четланиб, тилни рост гапириш ва тўғрилиққа ўргатиш, эзгу сўзлар изҳор қилишда барча куч ва диққатни ишга солиш, сабабсиз ҳар ишга аралашидан тийилиш, шуҳратпарастликдан сақланиш, вақтни бекорга ўтказмаслик, зарур бўлмаган ҳолда (бировдан бирор нарсани) талаб қилмаслик, одобсизлик қилганлар тўғрисида сукут сақлаш, дунёни бир томонга қўйиб, охиратга таважжуҳ қилиш, хулқ гўзаллигига эътибор бериб, беҳуда сўзлардан воз кечиб, дунё рўзаси ва охират ифторидан умид қилиш”.



ADABIYOTLAR:

1. Жўшон. М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т.: Чўлпон, 1998. – Б.13.
2. Али ибн Усман аль-Худжвири. «Раскрытие скрытого за завесы». Старейший трактат по суфизму // Перевод с английского А.Орлова. - Москва: «Единство» 2004. – С. 199.
3. Намозов Б. Абу Бакр Калободий тасаввуфий карашларининг фалсафий асослари. –Тошкент: “Фан” - Б.42.
4. Шарипова О. Абдухолик Ғиждувоний. –Бухоро: Вухоро, 2020.- Б. 13.
5. Azamjonovich, I. I. (2022). CRIME AND PUNISHMENT SOCIAL PHILOSOPHICAL FEATURES OF INTERNATIONAL AND NATIONAL EXPERIENCES. *Conferencea*, 407-409.
6. A'zamjonovich, I. I. (2022). JINOYAT VA JAZO: XALQARO VA MILLIY TAJRIBALARNING IJTIMOIIY FALSAFIY XUSUSIYATLARI. *ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY QARASHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR*, 160-161.
7. Ismailov, I. (2021). LIBERALIZATION OF CRIMINAL PENALTIES IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS. *Интернаука*, 10(186 часть 2), 101.
8. Evatov, S. (2022). IDEAS OF HUMANITY AND THEIR STUDY IN CENTRAL ASIAN SUFISM. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(1), 20-32.
9. Evatov, S. (2022). PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE COMPETENCE OF ADOLESCENT STUDENTS ON THE BASIS OF FAMILY AND SCHOOL COOPERATION. *Science and Innovation*, 1(3), 182-190.
10. Evatov, S. (2022). REVIEW OF RESEARCH ON THE FORMATION OF MYSTICAL AND PHILOSOPHICAL IDEAS IN CENTRAL ASIA IN IX-XII CENTURIES. *Science and Innovation*, 1(3), 311-318.
11. Evatov, S. (2023). HUMANITY IN THE DOCTRINE OF SUFI IDEAS AND THEIR PRESENTATION THE ESSENTIALS OF THE DAY. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(5), 73-77.
12. Evatov, S. (2023). THE INFLUENCE OF GREEK PHILOSOPHY AND NON-ISLAMIC TRADITIONS ON THE FORMATION OF MYSTICAL TEACHINGS IN CENTRAL ASIA. *International Bulletin of Engineering and Technology*, 3(5), 29-32.
13. Evatov, S. S. (2023). History of Emergence of Mystical and Philosophical Teachings in Central Asia. *American Journal of Science on Integration and Human Development*, 1(3), 27-30.
14. Evatov, S. (2020). The Role Of Philosophical Traditions In The Interaction Of Official Islam And Mysticism In Khorasan And Central Asia. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 2(6), 107-112.
15. Evatov, S. (2020). THE EXPRESSION OF THE IDEAS OF ASCETIC THINKING AND ALTRUISM IN CENTRAL ASIAN MYSTICISM. *InterConf*.
16. Evatov, S. (2019). About The Synthesis Of Ibn Sina's Philosophical Teachings With Mysticism And Aristotelism. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 174-179.



17. Evatov, S. S., & Siddikov, I. B. (2020). SOCIAL AND PEDAGOGICAL INFLUENCE OF SUFISM ON THE FORMATION OF MODERN YOUTH. In I *Международный форум "Богословское наследие мусульман России"* (pp. 224-227).

18. Ганиев, Б. С., & Эватов, С. С. (2020). ЗНАЧЕНИЕ И РОЛЬ ИСЛАМСКО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО (СУФИЙСКОГО) УЧЕНИЯ НАКШБАНДИЯ В ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОМ ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ. In I *Международный форум "Богословское наследие мусульман России"* (pp. 253-256).

19. Azamjonovich, I. I. (2021). The death penalty for a crime and its philosophical and legal aspects. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(1), 1376-1381.

20. Ikhtiyor, I. (2021). Issues of Improving the Principle of Humanity in the Criminal and Penalty System. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 2(12), 56-59.

21. Ismoilov, I. (2022). ABOLITION OF THE DEATH PENALTY IS A SIGN OF A CIVILIZED DEMOCRATIC STATE. *Gospodarka i Innowacje*, 24, 795-799.